


Рейтинг мезонлари маълумотларини бошқариш

Рейтинг мезонини яратиш

Рейтинг мезонларини шакллантириш икки хил усулда амалга оширилади: биринчи усул рейтинг мезонларини яратиш, иккинчи усул рейтинг мезонларини импорт қилиш. Рейтинг мезонларини яратиш тизимнинг **Reyting / Reyting mezonlari** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Рейтинг мезонлари рўйхати

Рейтинг мезонлари маълумотини қуйидагича шакллантиринг:

- **O'quv yili** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **Nashr turi** майдонидан нашр турини танланг;
- **Nashr toifasi** майдонидан нашр тоифасини танланг;
- **Ilmiy baza** катагини белгиланг (илмий нашрлар учун);
- **Nashr guvohnomasi** катагини белгиланг (услубий нашрлар учун);
- **Ball** майдонига баллни киритинг.

Saqlash тугмасини танлаш орқали маълумотларни сақланг (2-расм).




2-расм. Мезонларни шакллантириш

Юқоридаги кетма-кетлик асосида ОТМ ўзининг рейтингини ташкил қилиш учун рейтинг мезонларини яратиб олиши мумкин.


Рейтинг мезонини импорт қилиш орқали шакллантириш

Рейтинг мезонини импорт қилиш учун рейтинг мезонлари рўйхатига ўтинг (1-расм) ва **+Import** тугмасини танланг. Натижада импорт ойнаси очилади (3-расм). Импорт ойнасидан нашр тури, ўқув йили (жорий ўқув йили учун) ва нашрлар туридан нашр турини танланг.



3-расм. Рейтинг мезони импорт қилиш.

Рейтинг мезонини импорт қилиш учун **O'tkazish** тугмасини танланг. натижада рейтинг мезони мезонлар рўйхатига кўшилади (4-расм).



4-расм. Рейтинг мезонлар рўйхати.

Импорт қилиш орқали нашрларнинг барча турлари бўйича рейтинг мезонларини шакллантириб олинг.

Рейтинг мезонини таҳрирлаш

Рейтинг мезонини таҳрирлаш учун тизимнинг **Reyting / Reyting mezonlari** менюсини танланг (1-расм). Рейтинг мезонлари рўйхатидан мезонни танланг. Натижада рейтинг мезони маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм). Рейтинг мезонини таҳрирлаш ойнасидан

бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали рейтинг мезони маълумотларини сақланг.

Рейтинг мезонини ўчириш

Рейтинг мезонини ўчириш учун мезонлар рўйхатидан мезонни танланг. Натижада рейтинг мезони маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм). Рейтинг мезонини ўчириш учун таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси танланг.

Мухим! Агар тизимда рейтинг мезонига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у ҳолда тизим рейтинг мезонини ўчиришга рухсат бермайди.